# Тошкент оқшоми

2018 йил 26 июнь, сешанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 118 (13.715)

*Баҳоси эркин нархда*




## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**2018 йил 24 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Режеп Таййип Эрдўғонни Туркия Республикаси Президенти лавозимига қайта сайлангани муносабати билан самимий табриклаб, фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади.

Халқларимизнинг кўп асрлик дўстлиги ва мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари бугунги кунда юқори суръатлар билан ривожланаётгани ва мустаҳкамланиб бораётгани чуқур мамнуният билан алоҳида қайд этилди.

Давлат раҳбарлари, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли ва кўп қиррали ҳамкорлик, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Мулоқот сўнгида Президентлар барча соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантиришга тайёр эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

**ЎзА**

Ҳудудларни ривожлантириш – фаровонлик омили

## ЎЗ СЕКТОРИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3182-сонли қарорига асосан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни сўзсиз амалга ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг жамоатчилик олдида ҳисобот бериш шакллари ва услубларини тубдан такомиллаштириш, аҳолининг ҳаёт сифати ва даражасини янада юксалтириш каби қатор долзарб масалалар қамраб олинган.

Ушбу қарор асосида жойларда ишларни ташкил этишнинг мутлақо янги тизими жорий этилди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳудудда 4 та сектор ташкил этиш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2017 йил 18 августда тегишинча қарор қабул қилинган.

Мазкур қарор билан шаҳар туманлари ҳудудини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича туман ҳокими, прокурори, ички ишлар бошқармаси бошлиғи, туман солиқ инспекцияси раҳбарлигидаги 4 та секторлар таркиби тасдиқланган.

Туман секторлари раҳбарлари уй-жой коммунал ва йўл хўжалиги, энергия, сув ва иссиқлик таъминоти, транспорт қатнови, архитектура, арзон уй-жойлар қуриш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, намунавий маҳалла ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини шакллантириш соҳасидаги ва барча жабҳалардаги муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳал этиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган тадбирларни амалга оширади.

**Азиз ҳамшаҳарлар, Сиз ўзингизни қийнаб келаётган барча муаммоли масалаларнинг ҳудудингизда ташкил этилган секторлар орқали тез ва тўлиқ ҳал этилишини унутманг!**

*Туманлар кесимидаги секторлар, штаблар жойлашган жойлар ҳамда секторлар раҳбарлари тўғрисидаги маълумотларни газетамизнинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎН БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси 2018 йил 28 июнь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИНГ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари эртага – 2018 йил 27 июнь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти**
**Бош Ассамблеяси**
**2018 йил 18 июнь**
**Етмиш иккинчи сессия**
**Кун тартибининг 65-банди**
**Тинчликни барпо этиш ва тинчликни асраш**
**Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон: резолюция лойиҳаси**

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Бош Ассамблея,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларини илгари суриш бўйича минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйишга доир чоралар қабул қилиниши рағбатлантириладиган Низоми қоидаларига амал қилиб,

Марказий Осиё мамлакатларининг минтақада тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш, шунингдек, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни рағбатлантириш борасидаги муҳим ролини тан олган ҳолда,

Марказий Осиё мамлакатлари дуч келаётган замонавий таҳдид ва хавфларни эътиборга олиб,

Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлик ва ривожланиш соҳаларидаги йирик минтақавий ва халқаро ташаббусларини, шу жумладан:

а) Ядро қуролидан ва бошқа оммавий қирғин қуролларидан холи бўлган тинчликка эришишга йўналтирилган самарали чора сифатида Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонанинг ташкил қилиниши,

б) Бош Ассамблея томонидан ядро қуролидан холи дунё барпо этиш мақсадига эришишнинг асосий воситаларидан бири сифатида 29 август – Халқаро ядровий синовларга қарши ҳаракатлар куни, деб эълон қилиниши,

в) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиёда Глобал аксилтеррор стратегиясини ва Ашхобод декларациясини амалга ошириш бўйича биринчи минтақавий қўшма ҳаракатлар режасининг қабул қилиниши,

г) ядровий синовлар ва радиоактив чиқиндилар қолдиқларидан келиб чиқадиган таваккалчиликларни – "уран қолдиқлари омборхоналари"ни бартараф этиш,

д) 2018-2028 йиллар даврини "Сув барқарор тараққиёт учун" халқаро ўн йиллиги деб эълон қилиш,

е) энергия ташувчилар ва энергетик ресурсларнинг ишончли ва барқарор транзитини, жумладан, мавжуд минтақавий энергетика лойиҳаларини самарали амалга оширган ҳолда таъминлаш,

ж) транспорт ва транзит коридорларини қўллаб-қувватлашнинг барқарор, рентабелли инфратузилмасини ривожлантириш, жумладан, янги автомобиль ва темир йўллар, шунингдек, авиа йўналишлар очиш орқали транспорт ва транзит масалалари бўйича Марказий Осиёни қамраб олувчи битимларни амалга ошириш баробарида транспортнинг барча турлари бўйича алоқаларни мустаҳкамлаш,

з) экотизимлар, биохилма-хиллик ҳамда флора ва фаунанинг энг муҳим турлари ҳимояси таъминланишини қайд этган,

Марказий Осиё мамлакатларининг 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибини амалга оширишга йўналтирилган хатти-ҳаракатларини ва унда кўзда тутилган миллий даражада барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадларни маъқуллаган,

2017 йил 10-11 ноябрь кунлари Ўзбекистоннинг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш тарафдори эканини тасдиқлаган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзуидаги халқаро конференция натижаларига таянган ҳолда,

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳатлашув учрашувларини мунтазам ўтказиш бўйича ташаббуси минтақада қўллаб-қувватланганини мамнуният билан таъкидлаган,

Превентив дипломатиянинг муҳим ролини тан олиб ва шу нуқтаи назардан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ролини таъкидлаган,

Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, унга Афғонистон ҳам қўшилган, Марказий Осиё иқтисодиёти учун Махсус дастури доирасида амалга оширилаётган хатти-ҳаракатларни тан олган,

Минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган Афғонистон бошчилигидаги Афғонистон бўйича Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференциясининг ва бошқа шу каби муҳим минтақавий ташаббусларнинг аҳамиятини таъкидлаган, 2017 йил 14-15 ноябрь кунлари Ашхободда бўлиб ўтган иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга йўналтирилган Афғонистон бўйича еттинчи Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференциясининг якуний ҳужжатларини маъқуллаган ҳамда Марказий Осиё давлатларининг хатти-ҳаракати ва уларнинг Афғонистонни ривожлантиришга қўшган ҳиссасини рағбатлантирган,

Кенгаш таркибидаги биринчи Марказий Осиё давлати сифатида Қозоғистон раислиги даврида 2018 йилнинг 19 январида бўлиб ўтган вазирлар даражасидаги Хавфсизлик Кенгашининг "Хавфсизлик ва ривожланиш масалаларини бирлаштирувчи йўналишдаги ишларнинг модели сифатида Афғонистон ва Марказий Осиёда минтақавий шерикликни шакллантириш" мавзуидаги музокаралари якунларини таъкидлаган,

Марказий Осиё давлатларининг террорчилик учун озуқа муҳитини яратадиган барча ҳолатларда тажовузкор экстремизмга қарши самарали курашишнинг муҳим шарти сифатида маърифатга фаол кўмаклашиш борасидаги хатти-ҳаракатларини тан олган,

2018 йил 3-4 май кунлари Душанбеда бўлиб ўтган "Террорчилик ва экстремизмга қарши курашиш" мавзуидаги юқори даражадаги халқаро конференция якунларини эътиборга олган,

Маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришга кўмаклашувчи Жаҳон кўчманчилар ўйинларининг мунтазам ўтказилишини қўллаб-қувватлаган ҳолда,

1. Марказий Осиё давлатларининг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, изчил тараққиётни таъминлашга қўшган ҳиссаси ва шу йўлдаги хатти-ҳаракатларини мамнуният билан таъкидлайди;

2. Бугунги кунда Марказий Осиёда барқарорлик ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга йўналтирилган минтақавий хатти-ҳаракатлар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашини маълум қилади;

3. Минтақада барқарорлик ва изчил ривожланиш йўлидаги таҳдидлар Марказий Осиё давлатлари, шунингдек, улар билан халқаро ва минтақавий ташкилотлар ўртасидаги янада яқин ва мувофиқлаштирилган ҳамкорликни тақозо этади ва айни пайтда ушбу хавфларни минтақавий ва халқаро ташкилотлар иштирокида бартараф этишда минтақавий ҳамкорликнинг муҳимлигини таъкидлайди;

4. Минтақа давлатларини минтақада ва унинг ҳудудидан ташқарида тинчлик-осойишталикни таъминлаш ва барқарор тараққиёт йўлидаги ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида давлат раҳбарларининг мунтазам маслаҳатлашувлари платформасидан ва бошқа анжуманлардан самарали фойдаланишга даъват қилади;

5. Марказий Осиё мамлакатларининг "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзуидаги халқаро конференциянинг якуний коммюникесида баён қилинган ташаббусларни амалга ошириш йўлидаги фаол ҳамкорлигини қўллаб-қувватлайди;

6. 2018 йил 15 март куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи саммитини қутлайди;

7. Туркманистон томонидан 2018 йилда Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси иштирокчи давлатлари саммити ўтказилишини маъқуллайди;

8. Марказий Осиё давлатлари томонидан Афғонистондаги тинчлик жараёни ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш мақсадида амалга оширилаётган хатти-ҳаракатларни ва ушбу давлатларнинг минтақавий ва иқтисодий жараёнлардаги иштирокини қўллаб-қувватлайди ҳамда Кобул жараёнининг Афғонистон бўйича тинчлик ташаббусини амалга оширишнинг асосий форуми ва воситаси сифатидаги муҳим аҳамиятини, шунингдек, халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистон раҳбарлиги остида тинчлик ва келишувга эришиш жараёнини қўллаб-қувватлаш бўйича жорий хатти-ҳаракатлари доирасида бошқа минтақавий ва халқаро конференциялар, жумладан, Афғонистон бўйича "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзуидаги Тошкент конференциясининг аҳамиятини таъкидлайди;

9. Минтақанинг барча давлатлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, Марказий Осиёдаги сув-энергетика ресурсларидан оқилона ва комплекс фойдаланиш соҳасидаги икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг аҳамиятини қайд этади ва ушбу мақсадда қисқа вақтда ўзаро фойдали ва узоқ муддатли барқарор механизмларни ишлаб чиқиш учун мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказилишига даъват қилади;

10. Аъзо давлатларни Марказий Осиё мамлакатларининг Орол денгизи қуришининг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларини юмшатишга йўналтирилган хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга даъват қилади;

11. Марказий Осиё давлатлари ўртасида маърифат, фан, технологиялар, инновациялар, туризм, маданият, санъат ва спорт соҳасидаги алоқаларни чуқурлаштириш асосида ва фавқулодда вазиятларда ўзаро ёрдам кўрсатиш мақсадида яқин қўшничилик ва дўстона муносабатларнинг янада мустаҳкамланишини қўллаб-қувватлайди;

12. Марказий Осиёнинг бепоён ҳудудида замонавий транспорт тизимини яратишнинг муҳимлиги ва барқарор ривожланиш ҳамда одамлар, товар ва хизматлар эркин ҳаракатланишининг энг зарур шартларидан бири сифатида минтақанинг транзит салоҳиятидан кенг фойдаланиш аҳамиятини қайд этади;

13. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидаги ихтисослашган муассасалар, фондлар ва дастурларни минтақа давлатлари томонидан белгиланадиган Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик, интеграция ва барқарор ривожланишнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўз дастур ва тадбирларини мувофиқлаштиришга даъват қилади;

14. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий марказига тегишли минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда превентив дипломатияни рағбатлантириш бўйича ўз мандати доирасида минтақада тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга кўмаклашиш борасидаги хатти-ҳаракатларини давом эттиришни тавсия қилади;

15. Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлари ва умуман халқаро ҳамжамиятнинг минтақавий хавфсизлик ва барқарор ривожланиш соҳаларидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўлидаги хатти-ҳаракатларини маъқуллайди.

## БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ "МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ" РЕЗОЛЮЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

Жорий йил 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" резолюцияси қабул қилинди. Лойиҳаси Ўзбекистон томонидан Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ушбу ҳужжатни БМТга аъзо барча давлатлар бир овоздан қўллаб-қувватлади.

Резолюциянинг қабул қилиниши Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббуснинг амалий ижроси ҳисобланади. Ўзбекистон раҳбари ўз чиқишида 2017 йил ноябрь ойида Самарқандда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Марказий Осиё бўйича юқори даражадаги халқаро анжуман ўтказилишини маълум қилиб, унинг якунлари бўйича Марказий Осиё давлатларининг хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга доир махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этди.

Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Осиё ва Африканинг 55 мамлакати ушбу резолюция ҳаммуаллифлари бўлди. Улар орасида Австралия, Австрия, Афғонистон, Беларусь, Германия, Италия, Ҳиндистон, Индонезия, Канада, Нигерия, Норвегия, БАА, Корея Республикаси, Сингапур, Туркия, Швейцария, Эквадор ва бошқа мамлакатлар бор. Ҳужжатни ишлаб чиқиш бўйича маслаҳатлашувларда Марказий Осиёнинг барча етакчи ҳамкор давлатлари, жумладан, Россия, ХХР, АҚШ ва ЕИ мамлакатлари фаол ва конструктив тарзда иштирок этди.

Резолюцияда Марказий Осиё давлатларининг минтақада тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш, шунингдек, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги муҳим роли эътироф этилади. Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлик ва тараққиёт соҳаларидаги минтақавий ва халқаро ташаббуслари алоҳида қайд этилади.

Ҳужжатда Бош Ассамблея минтақа мамлакатлари томонидан Марказий Осиёда барқарорлик ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаши баён этилади. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳатлашув учрашувларини мунтазам ташкил қилиш бўйича ташаббуслари минтақа доирасида қўллаб-қувватланаётганини мамнуният билан қайд этган ҳолда, резолюция бундай маслаҳатлашувлар платформасидан минтақанинг долзарб муаммоларини биргаликда ҳал этиш йўлида самарали фойдаланишга даъват этади. Ҳужжатда 2018 йил 15 март куни Остона шаҳрида Марказий Осиё давлат раҳбарларининг илк саммити ўтказилгани эътироф этилади.

Резолюцияда Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш, сув ва энергия манбаларидан унумли ва комплекс фойдаланиш, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик ва ижтимоий-иқтисодий асоратларни юмшатиш, минтақада замонавий транспорт ва транзит тизимини ташкил этиш, маърифат, фан, технологиялар, инновациялар, туризм, маданият, санъат ва спорт соҳаларидаги алоқаларни чуқурлаштириш йўналишларида икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги қайд этилади.

Марказий Осиё давлатларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётга кўмаклашишга қаратилган биргаликдаги саъй-ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу мамлакатда тинчлик ва муросага эришиш мақсадида жорий йил март ойида "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзуидаги Афғонистон бўйича Тошкент конференциясининг аҳамияти қайд этилади.

Резолюция халқаро ҳамжамият, хусусан, БМТ тизимидаги ихтисослашган муассасалар, жамғарма ва дастурларни минтақа мамлакатлари томонидан кўзда тутилаётган Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик, интеграция ва барқарор тараққиётнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлашга даъват этади.

Ушбу резолюциянинг БМТда бир овоздан маъқулланиши ва қабул қилиниши Ўзбекистоннинг Президенти Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида юритаётган очиқ, оқилона ва конструктив ташқи сиёсати туфайли Марказий Осиёда шаклланган мутлақо янги, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик муҳити халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётганидан далолат беради. Халқларини минг йиллик биродарлик ва яхши қўшничилик ришталари, муштарак тарих, дин, маданият ва анъаналар боғлаб турган Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналиши ҳисобланади.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган резолюция Марказий Осиёни ҳамкорликда умумий муаммоларни ҳал қилиш, минтақа тараққиёти ва унинг кўп миллионли аҳолиси фаровонлигини таъминлашга қодир яхлит жипслашган минтақа сифатида шаклланишида муҳим босқич бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

***Тошкент, 2018 йил 23 июнь***

Ҳудудларни ривожлантириш – фаровонлик омили

# ЎЗ СЕКТОРИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

| Сектор тартиб рақами ва раҳбари | Сектор штаби манзили (мўлжал) | Штабнинг телефон рақами | Секторга бириктирилган ҳудуд |
|---|---|---|---|
| **Бектемир тумани** | | | |
| Сектор № 1 Раҳбар — туман ҳокими вазифасини бажарувчи Асқаров Шопўлат Шорахматович | Сувсоз мавзеси, 45 а, "Роҳат" маҳалласи, Мўлжал — 30-сонли мусиқа мактаби биноси | 231-14-76 | "Мажнунтол", "Миришкор", "Роҳат" маҳаллалари |
| Сектор № 2 Раҳбар — туман прокурори вазифасини бажарувчи Муллажонов Абдуқаххор Файзуллаевич | Роҳат кўчаси, 29-уй Мўлжал — Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежи биноси | 295-32-11 | "Зилола", "Иқбол", "Чашма" маҳаллалари |
| Сектор № 3 Раҳбар — туман ИИО ФМБ бошлиғи вазифасини бажарувчи Алиев Шерзод Илхомович | Юқори Чирчиқ кўчаси, 25 Мўлжал — 290-мактаб биноси | 295-28-30 | Ҳусайн Бойқаро, "Бектемир", Абай маҳаллалари |
| Сектор № 4 Раҳбар — туман ДСИ бошлиғи вазифасини бажарувчи Каримов Акмал Абдуллажонович | Жамил Тошкандий кўчаси, 58-уй Мўлжал — "Олтинтопган" маҳалласи идораси | 292-92-16 | "Олтинтопган", "Нурафшон", "Бинокор" маҳаллалари |
| **Миробод тумани** | | | |
| Сектор № 1 Раҳбар — туман ҳокими вазифасини бажарувчи Пўлатов Шуҳрат Абдужабборович | Эски Сарикўл кўчаси, 24а Мўлжал – туман ДСЭНМ ёнида | 231-73-64 | "Фитрат", "Банокатий", "Олтинкўл", "Оқ уй", "Сарикўл", "Файзиобод", Фурқат, "Янгизамон", "Қорасув" маҳаллалари |
| Сектор № 2 Раҳбар — туман прокурори вазифасини бажарувчи Ахунов Ахрор Ганиевич | Буюк Турон кўчаси, 75, Ш.Рашидов номли маҳалла Мўлжал — "Смарт" дўкони ёнидаги бино | 897-10-07 215-62-22 | А.Авлоний, Ат-Термизий, "Афросиёб", "Лолазор", "Мингўрик", "Мовароуннаҳр", "Ойбек", "Салор", "Фаровон", Ш.Рашидов маҳаллалари |
| Сектор № 3 Раҳбар — туман ИИО ФМБ бошлиғи вазифасини бажарувчи Миралимов Миржамол Юлдашевич | Темирйўлчилар кўчаси, 30, "Темирйўлчилар" маҳалласи Мўлжал — Руҳий касалликлар шифохонаси | 283-80-63 | "Байналмилал", "Биродарлик", "Заминобод", "Иноқобод", "Истиқлолобод", "Миробод", "Наврўз", "Темирйўлчилар", "Тонг юлдузи", "Янги Миробод" маҳаллалари |
| Сектор № 4 Раҳбар — туман ДСИ бошлиғи вазифасини бажарувчи Ахмаджанов Мурот Ахмеджанович | Қўйлиқ 1-даҳаси, 3 уй Мўлжал — "Чинор" маҳалласи биноси | 283-13-36 | "Баёт", Баротхўжа, "Билимдон", "Зиёнур", "Парвона", "Толариқ", "Чинор", "Юксалиш", "Янги Қўйлиқ", Қўйлиқота маҳаллалари |
| **Мирзо Улуғбек тумани** | | | |
| Сектор № 1 Раҳбар — туман ҳокими вазифасини бажарувчи Иргашев Шавкатбек Турдиевич | Қорасув-2 даҳаси, 45а Мўлжал — 208 - мактаб ёнида | 1075, 265-34-74 | Алишер Навоий, Алпомиш, Гулсанам, "Катта Қорасув", "Султония", "Чимён", Шукур Бурхонов, Авайхон, "Катта Олтинтепа", "Минглола", "Олтинтепа", "Янги Авайхон", "Шўртепа" маҳаллалари |
| Сектор № 2 Раҳбар — туман прокурори вазифасини бажарувчи Нормуҳамедов Тимур Султанович | Буюк Ипак йўли кўчаси, 421 Мўлжал — "Бешкапа" масжиди | 264-10-04 231-82-62 | Азамат, Ал-Фаробий, "Аҳиллик", Аҳмад Югнакий, "Бешкапа", "Тракторсозлар", "Уйғониш", Улуғбек, Ҳумоюн, "Юзработ", "Ялангоч", Мунавварқори маҳаллалари |
| Сектор № 3 Раҳбар — туман ИИО ФМБ бошлиғи вазифасини бажарувчи Ўроқов Азамат Шодиевич | Олой кўчаси, 9а Мўлжал — "Мустақиллик" МФЙ идораси | 236-17-91 | "Асака", "Дархон", "Лашкарбеги", Мирзакалон Исмоилий, "Мустақиллик", "Нур", "Оқибат", "Оққўрғон", "Подшобоғ", Ҳамид Олимжон, "Шаҳрисабз", "Элобод", "Буюк Ипак йўли", "Турон", "Олмачи" маҳаллалари |
| Сектор № 4 Раҳбар — туман ДСИ бошлиғи вазифасини бажарувчи Сулаймонов Миршоҳид Мирфаёзович | Бўз-2 даҳаси, 66 Мўлжал — Геодезия ва картография коллежи ётоқхонаси | 260-06-37 | "Баҳор", "Боғимайдон", "Бўз", "Камолот", "Катта Ялангоч ота", "Навниҳол", Нодирабегим, "Олий ҳиммат", "Олимлар", "Сайрам", Феруза, Ҳабиб Абдуллаев, "Шалола", "Шаҳриобод" маҳаллалари |
| **Олмазор тумани** | | | |
| Сектор № 1 Раҳбар — туман ҳокими вазифасини бажарувчи Рахмонов Бахтиёр Султонович | 1-Қорақамиш кўчаси, 17а Мўлжал — Тошкент тиббиёт коллежи биноси | 228-40-33 | "Бўстонобод", "Ёшлик", "Истиқбол", "Мойариқ", "Мустақиллик", "Ниҳол", "Олимпия", "Табассум", "Тепагузар", "Чаманбоғ", "Шодиёна", "Шон-шуҳрат", "Юқори Бешқўрғон", "Ғалаба" маҳаллалари |
| Сектор № 2 Раҳбар – туман прокурори вазифасини бажарувчи Зуфаров Дада-Али Нигматович | Қичқириқ кўчаси, 9 Мўлжал — Ғани Аъзамов номли маҳалла | 248-60-06 | "Аҳил", "Гулзор", "Гулсарой", "Иброҳим ота", Мискин, "Олтинсой", "Пахта", "Тараққиёт", "Умид", "Чуқурсой", "Янги Тошкент", Ғ.Аъзамов, "Қичқириқ" маҳаллалари |
| Сектор № 3 Раҳбар — туман ИИО ФМБ бошлиғи вазифасини бажарувчи Муллажонов Абдумажид Файзуллаевич | Нодира кўчаси, 19 б Хончорбоғ маҳалласи Мўлжал –119-мактаб | 240-24-95 | "Себзор", "Янги Себзор", "Туручариқ", Хастимом, Ҳазрати Имом, "Чилтўғон", "Юқори Себзор", "Қўштут", Абубакр Шоший, "Гузарбоши", "Эски шаҳар", "Чиғатой Дарвоза", "Хончорбоғ", "Намуна", "Қорасарой" маҳаллалари |
| Сектор № 4 Раҳбар — туман ДСИ бошлиғи вазифасини бажарувчи Рахимов Акмал Нигманович | Талабалар кўчаси, 54 Мўлжал – "Ёшлик" ҳокимлиги биноси | 227-11-63 | Чустий, "Қуёш", "Аллон", "Зиё", Беруний, Мирзо Ғолиб, "Шифокорлар", "Жийдали", Хислат, "Чиғатой Оқтепа", "Университет", "Орзу" маҳаллалари |
| **Сергели тумани** | | | |
| Сектор № 1 Раҳбар — туман ҳокими вазифасини бажарувчи Ҳусанов Нозим Бахтиёрович | Янги Сергели кўчаси, 1 Мўлжал — "Қипчоқ" маҳалласи | 215-13-42 | "Жўнариқ", "Зийнат", "Мададкор", "Меҳригиё", "Соҳибқирон", "Ўзгариш", Ҳабибий, "Чоштепа", "Эзгулик", "Янги Сергели" маҳаллалари |
| Сектор № 2 Раҳбар – туман прокурори вазифасини бажарувчи Хусанов Тохир Бахтиярович | Дўстлик 2-даҳаси,2а Мўлжал — "Дўстлик" маҳалласи | 258-41-17 | Ал-Фарғоний, "Баҳор", "Виқор", "Дўстлик", "Йўлдош", "Чароғон", "Чорбоғ", "Ёрқин ҳаёт" маҳаллалари |
| Сектор № 3 Раҳбар – туман ИИО ФМБ бошлиғи вазифасини бажарувчи Атаев Зафар Зокирович | Сергели 3-даҳаси, 29 а Мўлжал — эски БТИ биноси | 257-84-21 | "Иттифоқ", "Навқирон", Нилуфар, "Нурҳаёт", "Олчазор", "Саховат", "Софдил", "Қипчоқ", "Сўғдиёна" маҳаллалари |
| Сектор № 4 Раҳбар – туман ДСИ бошлиғи вазифасини бажарувчи Абдунабиев Фахриддин Умарович | Қўйлиқ 7-даҳаси, Мўлжал — 268-мактаб | 292-67-81 | "Астробод", "Зиёкор", "Маданият", "Олтин водий", "Учувчилар", "Халқобод", "Шукрона", "Қумариқ", "Қўшқўрғон" маҳаллалари |
| **Учтепа тумани** | | | |
| Сектор № 1 Раҳбар – туман ҳокими вазифасини бажарувчи Атамухамедов Шухрат Мухаммаднозимович | Чилонзор 14-мавзе, 2 а Мўлжал – туман халқ таълими бўлими биноси | 217-72-10 | "Кўҳна Чўпонота", Журжоний, "Боғистон", "Дегрез", "Шофайзибоғ", "Боғобод", "Пахтакор", "Кўкча Оқтепа", "Гузар", Абдулла Қодирий, "Нишабариқ" маҳаллалари |
| Сектор № 2 Раҳбар – туман прокурори вазифасини бажарувчи Қуронбоев Рашид Қорабоевич | Чилонзор 11-мавзе, 29 а, "Қўрғонтепа" маҳалласи Мўлжал — 74-мактаб | 276-43-92 | "Тинчликобод", "Шарқ юлдузи", "Давлатобод", "Қўрғонтепа", "Тепа Қўрғон", "Қор ёғди", "Болгичинор", "Хуросон", "Заргарлик", "Шарқ гули", "Бекобод", "Бирлик", "Хайратий", "Латифгузар", Фарҳод, "Ибрат", "Хондамир" маҳаллалари |
| Сектор № 3 Раҳбар – туман ИИО ФМБ бошлиғи вазифасини бажарувчи Султонов Нурилла Баходирович | Чилонзор 31-мавзе, Қовунчи кўчаси Мўлжал — "Диёробод" маҳалласи биноси | 270-28-66 | "Ватан", "Шафтолизор", "Ватанпарвар", "Оқмачит", "Бешқайрағоч", "Найман", "Жарбулоқ", "Ширин", "Ҳожиобод", "Чаманзор" маҳаллалари |
| Сектор № 4 Раҳбар – туман ДСИ бошлиғи вазифасини бажарувчи Вохобов Рустам Восиқович | Чилонзор 26-мавзе, М.Шайхзода кўчаси, 16 Мўлжал — Республика Дизайн коллежи | 270-82-33 | "Нуробод", "Ҳамдўст", "Катта Қаъни", "Қозигузар", "Дийдор", Алихонтўра Соғуний, "Янгийўл", "Диёробод", "Ўрикзор", "Фозилтепа", "Кўксарой", "Зарафшон", "Учтепа", "Кўркамобод", "Тақачи", "Қуйи Дархон", Хуршид, "Зулфизар", Ўпкир маҳаллалари |
| **Чилонзор тумани** | | | |
| Сектор № 1 Раҳбар – туман ҳокими вазифасини бажарувчи Хидоятов Даврон Абдупатохович | Дийдор кўчаси, 71а Мўлжал — Ройсон заводи биноси | 270-34-02 | "Хирмонтепа", Шуҳрат, "Катта Хирмонтепа", "Шарқ", "Шараф", "Бектўпи", Ал-Хоразмий, "Гулистон", "Баҳористон", "Шарқ тонги", "Хайробод", "Хонтўпи", "Бешқўрғон", "Тирсакобод" маҳаллалари |
| Сектор № 2 Раҳбар – туман прокурори вазифасини бажарувчи Камилов Абдухамид Абдунабиевич | Чилонзор 1-мавзе, 9, 66-мактаб биноси Мўлжал — шаҳар прокуратураси | 277-10-28 | "Катта Олмазор", "Бешёғоч", "1-Чарх Камолон", "2-Чарх Камолон", "3-Чарх Камолон", "Новза", "Катта Чилонзор-3", "Чилонзор", "Катта Чилонзор-1", "Катта Қозиробод", "Катта Чилонзор-2" маҳаллалари |
| Сектор № 3 Раҳбар — туман ИИО ФМБ бошлиғи вазифасини бажарувчи Хошимов Қодирхўжа Тўлаганович | Чилонзор 8-мавзе, 8а, Нафосат маҳалласи биноси Мўлжал — туман ФХДЁ бўлимининг орқа тарафи | 273-17-02 | "Оқтепа", "Боғзор", "Бешчинор", "Дилобод", "Халқлар Дўстлиги", "1-Қатортол", "Нафосат", Лутфий, "Қатортол", "Чўпонота", "Навбаҳор", "Кўтарма" маҳаллалари |
| Сектор № 4 Раҳбар — туман ДСИ бошлиғи вазифасини бажарувчи Тиллаев Акмал Изатиллаевич | Чилонзор 17-мавзе, 51, "Ботирма" маҳалласи Мўлжал — "Парламент" кафеси | 276-28-39 | "Дўмбиробод", Гавҳар, "Катта Дўмбиробод", "Наққошлик", "Зарқўрғон", "Фидокор", "Ботирма", "Меҳржон", "Кичик Хирмонтепа", "Бўрижар", "Яккатут", "Яккабоғ", "Мевазор", "2-Қатортол" маҳаллалари |
| **Шайхонтоҳур тумани** | | | |
| Сектор № 1 Раҳбар – туман ҳокими вазифасини бажарувчи Гаибназаров Баҳодир Рихсиалиевич | Ибн Сино 2-даҳаси, 9а, "Шодлик" МФЙ идораси Мўлжал — 218-АТС рўпарасида | 218-22-96 | "Белтепа", "Ўзбекистон", "Катта Жарариқ", "Бўстон", Ҳувайдо, Ибн Сино, "Шодлик", "Янги Белтепа", "Ипакчи", "Эски Жарариқ", "Янги Жарариқ", "Зафаробод" маҳаллалари |
| Сектор № 2 Раҳбар – туман прокурори вазифасини бажарувчи Абдурахимов Фатхилла Хайруллаевич | Баҳор кўчаси, 4-уй, "Лабзак" МФЙ идораси Мўлжал — туман прокуратураси | 177-11-10 | "Қоратош", "Олмазор", "Гулбозор", "Жанггоҳ", "Кохота", "Лабзак", "Тахтапул", "Ўрда", "Хадра", "Шайхонтоҳур", "Чақар", "Ўқчи" маҳаллалари |
| Сектор № 3 Раҳбар — туман ИИО ФМБ бошлиғи вазифасини бажарувчи Шоюнусов Шамсиддин Мирюнусович | Боғкўча мавзеси, 3, "Боғ кўча" маҳалласи биноси, Мўлжал — Тинчлик метроси | 242-18-52 | "Илғор", "Жарариқ", "Кўкча", "Тинчлик", "Боғкўча", "Кўкча Дарвоза", "Обиназир", "Сархумдон", "Янгишаҳар", "Кўкча", "Катта ҳовуз", Маннон Уйғур, "Оқлон", "Шофайзи" маҳаллалари |
| Сектор № 4 Раҳбар — туман ДСИ бошлиғи вазифасини бажарувчи Махмадўстов Жалол Махмадўстович | Чорсу мавзеси 11, Мўлжал — "Оқтепа лаваш" рўпараси | 245-70-42 | "Чархновза", "Янгиобод", "Камолон Дарвоза", О.Хўжаев, "Янги Камолон", "Чорсу", "Катта Оқтепа", Сузукота, "Эшонгузар", "Гулобод", Зангиота, "Камолон", "Самарқанд", "Каттабоғ" маҳаллалари |
| **Юнусобод тумани** | | | |
| Сектор № 1 Раҳбар – туман ҳокими вазифасини бажарувчи Абдусаматов Бахтиёр Хасанович | 7-мавзе, "Астробод" МФЙ Мўлжал — шарқшунослик лицейи биноси | 224-55-97 | "Мингчинор", "Уч Қаҳрамон", "Боғишамол", "Янги ҳаёт", "Боғиэрам", "Кулолқўрғон", "Йўлайриқ", "Нурмакон", "Астробод", "Собиробод", "Шарқ ҳақиқати", Ҳасанбой, "Ҳамкоробод", "Исломобод", "Катта Ҳасанбой", "Тикланиш" маҳаллалари |
| Сектор № 2 Раҳбар — туман прокурори вазифасини бажарувчи Мирсоатов Хабибулла Қудратуллаевич | 15-мавзе, Аҳмад Дониш номли маҳалла Мўлжал — 247-сонли мактаб биноси | 222-94-26 | "Аҳилобод", Аҳмад Дониш, "Бободеҳқон", "Боғишамол", "Мурувват", "Севинч", "Ўзбекистон Мустақиллиги", "Ҳалқабоғ", "Янгиҳаёт", Увайсий, "Янгибоғ", "Шоштепа", "Оқтепа", "Юртобод", "Юнусота", "Янги ҳаёт" маҳаллалари |
| Сектор № 3 Раҳбар — туман ИИО ФМБ бошлиғи вазифасини бажарувчи Хайруллаев Элбек Лутфуллаевич | Марказ - 4, 12-2, "Қашқар" маҳалласи Мўлжал — "Шедевр" савдо мажмуаси орқасида | 232-08-18 | Адолат, "Анорзор", "Биллур", Жомий, "Матонат", "Минор", "Туркқўрғон", Уста Ширин, "Ҳусниобод", "Янгиариқ", Ғайратий, "Қашқар", "Ифтихор", "Буюк Турон", "Қўшчинор", "Туркистон", "Шаҳристон" маҳаллалари |
| Сектор № 4 Раҳбар — туман ДСИ бошлиғи вазифасини бажарувчи Иноятов Рустам Вахобович | Янгишаҳар кўчаси, 1, "Беғубор" МФЙ биноси Мўлжал — Ботаника боғи | 177-01-09 | "Акбаробод", Мирзо Улуғбек, "Бодомзор", "Шивли", Фирдавсий, "Янгитарнов", "Хиёбонтепа", "Бўзсув", "Посира", "Обод", "Боғибўстон", "Отчопар-1", "Отчопар-2", "Қадрдон", "Юнусобод" маҳаллалари |
| **Яккасарой тумани** | | | |
| Сектор № 1 Раҳбар — туман ҳокими вазифасини бажарувчи Маҳаметов Сарвар Тошматович | Қушбеги кўчаси, 24а-уй, "Қушбеги" МФЙ идораси Мўлжал — 319-мактаб | 250-18-77 | "Муҳандислар", "Бошлиқ", "Армуғон", "Қушбеги", "Дилбулоқ" маҳаллалари |
| Сектор № 2 Раҳбар — туман прокурори вазифасини бажарувчи Айдусов Илҳом Комилжонович | А.Сирожиддинов кўчаси, 2-уй, Муқимий МФЙ идораси Мўлжал — 144-мактаб | 253-84-27 | "Яккасарой", "Мерос", Муқимий, "Тўқимачи", "Ракат" маҳаллалари |
| Сектор № 3 Раҳбар — туман ИИО ФМБ бошлиғи вазифасини бажарувчи Хайдаров Фаррух Убайдуллаевич | Ўрикзор кўчаси, 142-уй Мўлжал — "Ракатбоши" МФЙ идораси | 255-46-89 | "Ракатбоши", "Тепа", "Конституция", "Белариқ", Юнус Ражабий маҳаллалари |
| Сектор № 4 Раҳбар — туман ДСИ бошлиғи вазифасини бажарувчи Досмухаммедов Ғиёс Мирвосикович | Бобур кўчаси, 67-уй, 1-корпус, 2-хонадон, Бобур МФЙ идораси Мўлжал — 1-сон нотариал идораси рўпараси | 255-50-30 | Ҳ.Сулаймонов, Абдулла Қаҳҳор, "Боғсарой", Шоҳжаҳон, Бобур, "Дамариқ" маҳаллалари |
| **Яшнобод тумани** | | | |
| Сектор № 1 Раҳбар — туман ҳокими вазифасини бажарувчи Турдиев Дилмурод Рахматжонович | Бирлашган 2-тор кўчаси, 4-уй, "Бирлашган" маҳалласи биноси Мўлжал — "Антей" дўкони | 283-33-32 | Ал-Бухорий, Амир Темур, "Бирлашган", "Ватандош", "Гўзал", "Дилбоғ", Моҳинур, "Наврўзобод", "Ойдинкўл", "Олмос", "Парвоз", "Тонг", "Тузель", Шоҳсанам, "Янгинур", "Шоҳимардон", "Илтифот", Нодира, "Донишманд" маҳаллалари |
| Сектор № 2 Раҳбар — туман прокурори вазифасини бажарувчи Азимов Олимжон Абдуллаевич | Авиасозлар 1-тор кўчаси, 22а Мўлжал — туман ИИБ ХЧК ва ФРБ биноси | 296-03-50 | "Алимкент", "Бойқўрғон", "Дўстобод", "Истиқлол", "Кўксарой", "Машинасозлар", "Семурғ", "Тўйтепа", "Фидойилар", Чўлпон, Махмур, "Авиасозлар", "Бешариқ", "Фазогир", "Кўксарой", "Баркамол" маҳаллалари |
| Сектор № 3 Раҳбар — туман ИИО ФМБ бошлиғи вазифасини бажарувчи Тиллаев Икром Рустамович | Асалобод 2-даҳаси, 2 Мўлжал — "Асалобод" маҳалласи биноси | 294-42-68 | "Асалобод", Аҳмад Яссавий, "Бешбола", "Бойсун", "Жарқўрғон", Жўрабек, Маърифат, Мухтор Ашрафий, "Хосиятли", "Ширинобод" маҳаллалари |
| Сектор № 4 Раҳбар — туман ДСИ бошлиғи вазифасини бажарувчи Набиев Одилхўжа Хошимхўжаевич | Уйсозлар кўчаси, 44 Мўлжал — "Ўрта масжид" маҳалласи биноси | 280-11-71 | "Беҳизор", "Донишманд", Иқбол, "Илтифот", "Катта Қўйлиқ", "Катта Янгиобод", "Қўйлиқобод", "Мумтоз", Нодира, "Тарновбоши", "Уйсозлар", "Ўрта масжид", "Шоҳимардон", "Янгиқўрғон", "Бунёдкор", "Янги давр" маҳаллалари |

*Изоҳ: туман ИИО ФМБ – туман ички ишлар органи фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси*

virtual.vto@umail.uz,
gazeta-vto@umail.uz



***"Пойтахт" бизнес марказида "Фуқаролар учун бюджет – 2018" нашри лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

# "ФУҚАРОЛАР УЧУН БЮДЖЕТ – 2018"

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзолари, "Тараққиёт стратегияси" маркази, Банк-молия академияси мутахассислари, Тошкент молия институти профессор-ўқитувчилари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Мазкур нашр бюджет сиёсати мақсадлари ва устуворликларини яхшироқ тушунишга қаратилган бўлиб, фуқароларни бюджетни муҳокама қилиш ва унинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнига жалб қилишга ёрдам беради.

– Ҳар йили чоп этишга мўлжалланган "Фуқаролар учун бюджет" нашри Молия вазирлиги ва аҳоли ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди, – дейди Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринбосари А.Ҳайдаров. – Янги нашрда асосий эътибор фуқароларни бюджет тизими, 2018 йилга мўлжалланган давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини шакллантириш ва уларнинг параметрлари ҳақида кенг хабардор қилишга қаратилган. Ҳозирда Молия вазирлиги томонидан давлат молиясини бошқариш соҳасида очиқлик ва ошкораликни янада ошириш бўйича бир қатор ишлар бажарилмоқда. Хусусан, мамлакат ва минтақани қамраб олувчи янги – "Очиқ бюджет" ахборот порталини ташкил этишни режалаштирдик. Бу орқали аҳоли мамлакатимиз молия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида янада қулай ва кенгроқ ахборотларга эга бўлиши мумкин.

Муҳокамада мутахассислар томонидан бюджет масалаларига оид маърузалар ўқилди, тақдимотлар ўтказилди. Иштирокчилар "Фуқаролар учун бюджет – 2018" нашри лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**А.МУСАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

***Деҳлида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида маданий ва сайёҳлик йўналишларида ҳамкорликни кенгайтиришга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Анжуман юртимизнинг мазкур мамлакатдаги элчихонаси ҳамда Ҳиндистон Медиа ва кино дастурлари халқаро палатаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.***



# ДЕҲЛИДА САЙЁҲЛИК ВА МАДАНИЯТ АНЖУМАНИ

Тадбирда юқорида зикр этилган палата аъзолари, мамлакатда фаолият юритаётган кинокомпаниялар, сайёҳлик агентликлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуман доирасида Ўзбекистон – Ҳиндистон фильм ва маданият форуми ташкил этилди. Медиа ва кино дастурлари халқаро палатаси таркибида ташкил этилган мазкур тузилма ишининг асосий мақсади – мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш, Ҳиндистон кино усталари билан ҳамкорликда Ўзбекистонда фильмлар суратга олиш ва кино ижодкорлар ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш.

Шу билан бир қаторда, Медиа ва кино дастурлари халқаро палатаси ўзбекистонлик талабаларни Ҳиндистон кино мактабларида таҳсил олишлари ва тажриба алмашишлари учун грантлар ажратишини маълум қилди.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти, икки ўлка ўртасида маданий ҳамкорликнинг бугунги тенденциялари ва истиқболлари ҳақида батафсил ахборот олишди.

Ҳиндистон Медиа ва кино дастурлари халқаро палатаси президенти Сандип Марва мухбиримиз билан суҳбатда, жумладан, шундай деди:

– Яқинда палатамиз делегацияси юртингизда бўлиб, "Ўзбеккино" миллий агентлиги вакиллари билан учрашди ва келгусида биргаликда фильмлар суратга олиш, мутахассислар алмашиш, кинофестиваллар ташкил этиш масалаларини келишиб олди.

Шунингдек, вакилларимиз Тошкентдаги Лаъл Баходур Шастри номидаги Ҳиндистон маданият марказида ўзбек ёшлари катта қизиқиш билан ҳинд тили, мусиқаси ва маданиятини ўрганаётганининг гувоҳи бўлди.

Дарҳақиқат, бизнинг маданиятларимиз бир-бирига яқин. Бу омил ўзаро сайёҳлик алоқаларини янада кенгайтириш учун хизмат қилиши табиий.

Фурсатдан фойдаланиб айтмоқчи эдимки, яқинда Хитойнинг Циндао шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Самарқанд шаҳрида "Ипак йўли" туризм университетини ташкил этиш ажойиб ташаббуси илгари сурилди. Бу долзарб таклифни амалга ошириш ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро туризм алоқаларини янада жонлантириш учун муҳим амалий аҳамият касб этиши шубҳасиз. Биз бу ташаббусни қўллаб-қувватлаймиз ва ташкил этилажак университет билан яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

"Cox and Kings" сайёҳлик компанияси эксперти Парт Сатпати:

– Мамлакатингиз дунёдаги гўзал ва бой маданиятга эга давлатлардан биридир. Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарларда минглаб тарихий обидалар ва қадамжолар мавжуд.

Ҳозирда бизнинг компаниямиз ўзбекистонлик ҳамкорлар билан бир қатор янги йўналишларда дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, ёшлар сайёҳлик дастурлари, зиёрат туризми ва анжуманлар туризми шулар жумласидандир.

"Marwah Studios" кинокомпанияси матбуот котиби Шрия Катял:

– Ўзбекистон ва Ҳиндистон маданий алоқаларига бағишланган тадбир жуда қизиқарли ва мазмунли ўтди деб ўйлайман. Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона ришталар кўп асрлик тарихга эга. Уларни ривожлантириш ва мазмунан бойитиш эса бизга боғлиқ.

Ўтказилган тадбир сайёҳлик, кино ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади деб ишонаман.

"Marwah Studios" кинокомпанияси Ўзбекистонда фильмлар суратга олиш режасини амалга ошириш устида ишламоқда. Асосий мақсадимиз – кинокартиналар орқали мамлакатингиз сайёҳлик салоҳиятини Ҳиндистонда намойиш этиш.

**"Дунё" АА**
*Деҳли*

# XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Термиз филиали иш бошлади. Вилоят перинатал марказининг собиқ биноси тубдан реконструкция қилиниб, 75 ўринли даволаш биноси ва 150 қатновга мўлжалланган поликлиника бунёд этилди. Бу ерда беморларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва мураккаб жарроҳлик амалиётларини бажариш учун барча шароит яратилди. Қурилиш-таъмирлаш ишларига 7 миллиард 500 миллион сўм, замонавий жиҳозлашга 3 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.**

**• Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Андижон вилояти бўлими томонидан 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан мини-футбол, стол тенниси ва шашка бўйича мусобақа ўтказилди.**

**• Самарқандда 19-23 июнь кунлари умумтаълим мактабларининг 10-11 синф ўқувчилари ўртасида физика ва астрономия фанлари бўйича ўтказилган Мирзо Улуғбек номидаги халқаро олимпиада ғолиблари тақдирланди.**

**• Андижонда ўтказилган "Open Air – Oltin Vodiy" концерт дастури унутилмас таассуротларга бой бўлди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Андижон вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган концерт дастурида Ўзбекистон миллий симфоник оркестри жамоаси ижросида мумтоз мусиқалар янгради.**

**• Тошкент вилояти Оққўрғон туманида "Ҳунарманд уюшмаси кунлари" тадбири доирасида бепул ўқув курслари ташкил этилди. 2 ой давом этган машғулотларда 30 нафар ишсиз хотин-қиз оддий металлдан миллий услубда тақинчоқ ва эсдалик буюмлари ясаш сирларини ўрганди.**

## ЖАҲОНДА

**• Австрия пойтахти Венада ОПЕК ташкилотига аъзо мамлакатлар вазирлари иштирокида бўлиб ўтган анжуманда ОПЕК таркибидаги барча давлатлар бундан кейин нефть қазиб чиқариш ҳажмини кўпайтириш юзасидан келишиб олдилар. Яъни, жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб ушбу мамлакатларда кунига 1 миллион баррель миқдорида нефть қазиб олинади.**

**• Мамлакат парламентининг қуйи палатаси Европа Иттифоқи таркибидан чиқиш тўғрисидаги режани қабул қилганидан сўнг Англия пойтахти Лондон шаҳрида Брексит жараёнига қарши юз минг кишилик норозилик намойиши бўлиб ўтди.**

**• Венгрия парламенти "Стоп сорос" номи остида маълум бўлган бир қатор қонунларни маъқуллади. Мазкур қонунлар нодавлат ташкилотларга нисбатан чекловларни назарда тутади ҳамда мамлакатга ноқонуний келган муҳожирларга ёрдам беришни жиноят сифатида талқин қилади. Шунингдек, депутатлар кўпчилик овоз билан конституцияга киритиладиган ўзгартиришни ҳам маъқуллаган.**

**26 июнь – Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни**

# ТИНКАНИ ҚУРИТАЁТГАН ТУТУН ТАЛВАСАСИ

***Айни ёз. Фарзандларимизнинг кўчада, уй атрофида ота-оналарнинг назоратисиз қолиши табиий ҳол. Юртимиз тинч, осойишта. Шунинг учун катталар ҳам хотиржам. Болаларимиздан хавотир олмаймиз, кўнглимиз тўқ. Аммо улар ёлғиз қолганида нима билан машғул? Бизнинг назоратимиздан ташқарида қандай ишларни бажармоқда?***

Кечки сайрга чиққан қўшним Райҳон опа 8 ёшли ўғлининг ўртоқлари билан сигарет қолдиқларини худди чекаётган одамдек оғзига солиб юрганини кўргач, жаҳли чиқиб кетганини айтди. Уни шунчаки уришиш билан чекланмасдан қўл кўтаришгача борган.

– Аслида унинг айби йўқ, – дейди Райҳон Йўлдошева. – Дадасидан кўриб ўрганган бўлса керак. Қолаверса, кўчаларда ҳам ёши катталар атрофга эътибор қилмай, ёш болалар бор-йўқлигига ҳам қарамай нос, сигарет чекади. Спиртли ичимликлар ичиб юради. Тили ва сўзига ҳам эътибор бермайди. Натижасини эса кўриб турибсиз.

Бугунги кунда "Чекиш саломатлигингиз учун жуда хавфли", "Чекиш инсонни ўлдиради", "Чекиш ўпка ракига олиб келади" каби иборалар ёд бўлиб кетди. Ҳатто ҳар бир сигарета қутисида катта-катта қилиб ёзилмоқда. Шиор қилиб олганмиз. Тадбирларда шу гапларни айтамиз, ёшларга бу хавфли эканини уқтирамиз. Аммо сўзимиз ва амалимиз турлича. Насиҳатда ҳаммадан олдин юрганлар, ўрнак бўлишга келганда ўзини четга олади.

Бу бепарволик ўзи ва яқинлари жонига қасд қилиш эмасми?

Тамакини мунтазам истеъмол қилиш, аввало, унга ўрганиб, боғланиб қолишга олиб келади. Саломатликка жиддий зиён келтиради. Юрак ишемик касаллиги, инсульт ва периферик томирлар касалликлари ривожланишининг хавфли омилларини келтириб чиқаради. Дунё бўйича юрак-қон томир тизими касалликлари туфайли вафот этаётган одамлар сони йилдан йилга ошмоқда. Ҳар йили глобал тамаки эпидемияси деярли 7 миллион инсон умрига зомин бўлмоқда. Энг ачинарлиси, улардан 900 мингдан ортиғи чекмайди, лекин тамаки тутуни таъсири остида заҳарланганлардир.

Тадқиқотлар натижаси, тамаки маҳсулотларига ружу қўяётган ёшларнинг аксарияти ота-онасидан ўрнак олиб, кашандага айланаётганини кўрсатмоқда. Бир кунда ер юзидаги ўртача юз минг нафар ўсмир катталарга – ота-онаси, қўни-қўшни ёки яқинларига тақлид оқибатида шу иллат домига тушмоқда. Айни вақтда 13-15 ёшли ҳар 5 нафар ўсмирнинг бири чекади.

– Ўртоқларимнинг кўпчилиги отаси ёки акасидан кўриб чекишни синаб кўрган ва менга ҳам таклиф қилишган, – дейди 14 ёшли Билол Иномжонов. – Лекин ўзим синаб кўрмаганман. Чунки ойим бу хавфли, соғлиғим, келажагим учун зарарли эканини тез-тез такрорлайди. Аввало, ойимнинг хафа бўлмаслиги учун, кейин саломатлигимга таъсир кўрсатмаслиги учун ҳам чекмасликни маъқул кўраман.

Шифокорларнинг таъкидлашича, сигарет таркибидаги зарарли моддаларнинг 14 таси гиёҳванд модда ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тамаки пассив наркотик, деб эълон қилинган. Кашандалар турли хасталикларни тамаки орқали ўзларига чақираётганини ҳатто ўйлаб кўрмайди.

Юртимизда тамакининг аҳоли саломатлиги ва мамлакат иқтисодиётига етказадиган зарари ҳисобга олиниб, унинг истеъмолини тартибга солиш мақсадида 2011 йил 5 октябрда Ўзбекистон Республикасининг "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинган эди. Аммо бу борадаги кўплаб саъй-ҳаракатлар ҳам одамларнинг фикрларини ўзгартириш учун етарли бўлмаяпти. Айниқса, ўсмир ёшида бунга ружу қўяётган ўғил-қизлар бу одатни кейинчалик хоҳлаб ҳам тарк этолмаяпти.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида бугун аҳоли орасида тамаки истеъмолини камайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Хусусан, тамаки маҳсулотларига солиқлар ставкаси оширилиб, унинг тутунидан холи муҳит яратиш учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Шу билан бирга, назорат қилиш усуллари кучайтирилиб, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

...Бир неча йил олдин Андижон вилоятида бўлиб ўтган бир фестивалда иштирок этдим. Тадбирда юртимизнинг барча ҳудудларидан ва хорижлик меҳмонлар жам бўлган. Уч кун давом этган тадбирнинг биринчи кунида биз учун ажратилган жойда йигитлар чека бошлади.

Шунда ўтиб кетаётган бир йўловчи:

– Меҳмонмисизлар? Фақат меҳмонларгина бу ерда чекиш мумкин эмаслигини билмайди. Атрофда таълим муассасалари бор, – деди.

Ростдан ҳам бу ерда чекиш тақиқланганми йўқми билмадигу, лекин атрофнинг жуда озода экани, ҳеч ким бу ерга чиқинди ташламаётгани, ҳатто чекмаётганининг гувоҳи бўлдик. Бу шу ерда яшаётган аҳолининг ташаббусими ёки бирор-бир ташкилотнинг саъй-ҳаракати натижасими буни ҳам билолмадик. Аммо йўловчининг бу воқеага бефарқ бўлмагани, огоҳлантиришни ўзининг вазифаси, фуқаролик бурчи, деб ҳисоблагани эътиборга молик.

Сигарет чекаётган ҳамкасбларимиз ҳам қилган ишларидан, эътиборсизлигидан хижолат бўлиб юришди. Эҳтимол, шу каби амалий чора-тадбирларга кўпроқ аҳамият бериш керакдир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европадаги бюроси томонидан "Йўл харитаси" ишлаб чиқилган. Кашандаликка қарши курашиш мақсадида ташкил этилган мазкур йўл харитасининг асосий мақсади тамаки билан боғлиқ касалланишларнинг олдини олиш ва бунинг учун тамакидан холи ҳудудни ташкил этишдир.

Шу асосда юртимизда ҳам тамаки саноати мониторингини қилиш, унинг тутунидан бутунлай холи жамоат хоналари, иш жойлари ва транспортини яратиш ва бу билан одамларни тамаки тутуни таъсиридан ҳимоялаш, барча тамаки ўрамларига, унинг саломатликка зарари хусусидаги маълумотлар жойлаштириш ва салбий хусусиятлари ҳақида тарғибот-ташвиқотлар олиб борилмоқда.

– Муттасил чекиш оқибатида томирлар торайди, артериялар чўзилувчанлиги йўқолади, – дейди ЎзА мухбирига терапевт-шифокор Зуҳриддин Сиддиқов. – Натижада юрак ишемик касаллиги пайдо бўлади. Никотин таъсири оқибатида юрак уришининг тезлашиши стенокардия хуружини келтириб чиқаради. Чекувчилар бошқаларга нисбатан кўпроқ ўпка, бронхлар ва ҳалқумнинг сурункали касаллигини бошдан ўтказади. Уларда сурункали бронхит 5-6 марта кўп учрайди. Тамаки таркибидаги қурум нафас йўлларида ўтириб қолади. Натижада ларингит келиб чиқади. Овоз бўғилиб, хириллаш пайдо бўлиши мумкин. Респиратор касалликлар хавфи ортади. Чекиш ўпка ракининг 71, нафас йўллари сурункали касалликларининг 42, юрак-қон томир касалликларининг 10 фоизи сабабчисидир.

Турли иллатлардан йироқ, ўзи ва атрофдагилар учун масъулиятни ҳис қиладиган ёшларни тарбиялашда, аввало, уларнинг иродасини тарбиялаш, бўш вақтини тўғри тақсимлаш, ўзига бўлган ишончини ошириш муҳимдир. Шунда миллат келажаги, авлодлар саломатлиги ҳимояланган бўлади.

**Барно МЕЛИҚУЛОВА**

FIFA WORLD CUP RUSSIA 2018

# НИМЧОРАК ФИНАЛ ОЛДИДАН КУРАШ КЕСКИНЛАШМОҚДА

***Кеча асосан етакчилар ва аутсайдерлар иштирокидаги тўртта ўйиннинг учтаси жанговар дуранг билан якунланади, деб олдиндан айтилса ишониш қийин бўларди. Аслида эса шунинг гувоҳи бўлдик.***



Саудия Арабистони — Миср баҳсида таркибида янги ёш юлдуз Муҳаммад Салоҳ тўп сураётган Африка қитъаси вакили рақибига нисбатан кучли ҳисобланарди. Кутилганидек, 22-дақиқада Муҳаммад Салоҳ узоқдан ҳаводан узатилган тўпни рақиб жарима майдончаси атрофида оҳиста тўхтатиб, икки нафар ҳимоячи қуршовида бўлишига қарамай дарвозабоннинг устидан тўпни оширган ҳолда аниқ зарба билан ҳисобни очди. Шундан кейин майдонда саудияликлар тўлиқ устунлик қилишди. 40-дақиқада ҳакам Миср дарвозасига пенальти белгилади. 45 ёшли дарвозабон (жаҳон чемпионатларида майдонга тушган энг кекса ўйинчи сифатида рекорд ўрнатган) Африка Кубогида 4 бор ғолиб чиққан, терма жамоа таркибида 156 та ўйинда майдонга тушган Эссам ал Хадари чемпионатга "дам олиш учун" келмаганини исботлаган ҳолда кучли зарбани қайтаришга муваффақ бўлди. Бироқ орадан беш дақиқа ўтганидан сўнг мисрликлар томон белгиланган яна бир 11 метрлик зарбани бу гал бошқа футболчи Салмон ал Фараж қойиллатиб бажарди — 1:1.

Иккинчи бўлим ҳам Саудия Арабистони терма жамоасининг сезиларли устунлиги остида ўтди. Бироқ ўйин дуранг натижа билан тугаётган бир пайтда — ҳакам томонидан қўшиб берилган сўнгги дақиқаларда саудияликлар ярим ҳимоячиси Салим ал Давсарининг голи орқали ўйин 2:1 ҳисобида якунланди.

Уругвай билан гуруҳнинг сўнгги беллашувида Россия термаси илк бор кучли рақибга дуч келди ва энди ўзининг ҳақиқий маҳоратини кўрсатиши керак эди. Ушбу учрашувда Уругвай термаси бор куч, маҳоратини ишга солмаган бўлса-да, майдонда унинг устунлиги сезилиб турди. 10-дақиқада уругвайликлар сардори Луис Суарес жарима тўпини тепишдан олдин дарвозабоннинг позициясини тўғри баҳолади. Тўпни пастлатиб кучли зарба билан дарвозанинг чап бурчагига жойлади — 1:0. Орадан ўн уч дақиқа ўтгач уругвайликларнинг яна бир зарбаси голга етиб келди — тўп рақиб ҳимоячисига теккан ҳолда йўналишини ўзгартириб тўрга тушди. Россияликларнинг қарши ҳужумлари эса самара бермади. Учрашув охирларида ушбу чемпионатда ўз голини уришни жуда хоҳлаган уругвайликларнинг яна бир сермаҳсул ҳужумчиси Эдинсон Кавани жарима майдончасида уюштирилган чиройли комбинацияни якунлаб, ўйиндаги сўнгги нуқтани қўйди — 3:0.

Португалия — Эрон баҳсида биз Роналдудан яна голларни кутгандик. Бироқ бу гал эронликлар ташаббусни ўз қўлларига олиб, кўплаб хавфли ҳужумлар уюштиришди. Фақат 45-дақиқага келиб португалияликларнинг 35 ёшли тажрибали ҳужумчиси Рикарду Куарежма техник жиҳатдан мураккаб зарбани қойилмақом тарзда ижро этгани ҳолда ҳисобни очди.

Иккинчи бўлимнинг еттинчи дақиқасида Португалия терма жамоасининг ўйин тақдирини ҳал этиши учун жуда қулай имконият юзага келди — пенальти ва жарима зарбалари устаси, супербомбардир Криштиану Роналду ўзини йиқитганликлари учун Виар тизими асосида белгиланган ўн бир метрлик зарбани бажарди, бироқ уни Эрон дарвозабони қайтара олди.

Иккинчи бўлимда ҳам эронликлар бири-биридан чиройли комбинацияларни амалга ошириб, рақиб дарвозасига хавф солиб туришди. Бироқ фақат 90+1 дақиқадагина Эрон термаси пенальтидан гол урди ва яна бир тўп киритса плей-оффга чиқадиган вазият юзага келди. Осиёликларнинг охирги ҳужумларидан бирида кучли зарбадан сўнг тўп дарвозанинг ён томондаги тўрига урилди ва шов-шувли ҳисоб қайд этилмади. Шу тариқа Карлуш Кейруш тайёрлаган кучли ва ҳужумкор жамоа аъзолари кўз ёшларини яширмаган ҳолда майдонни ва чемпионатни тарк этишди. Улар бошқа заифроқ гуруҳлардан албатта кейинги босқичга чиқишлари мумкин эди.

Ниҳоят, Испания — Марокаш баҳси ҳам энг кескин ва муросасиз ўйинлардан бирига айланди. Жаҳон рекордини тобора янгилагани ҳолда чемпионатларда ўзининг ўн биринчи учрашувига тушган ҳамюртимиз Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар бригадаси бошқарган ушбу ўйин асаббузарлик ҳолатларига бой бўлди, ўйинчиларга кўплаб сариқ карточкалар кўрсатилди.

Кутилмаганда, кучли рақибидан заррача чўчимаган Марокаш футболчилари ташаббусни ўз қўлларига олиб, ҳисобни очишди — Холид Бутаиб дарвозабон билан яккама-якка чиқиб, Давид де Хеанинг оёқлари орасидан тўпни ўтказгани ҳолда чиройли гол киритди — 1:0.

Ўз навбатида испанларнинг ажойиб Иньеста – Иско комбинациясини Иско аниқ зарба билан якунига етказди — 1:1.

Иккинчи бўлимда бурчак тўпидан унумли фойдаланган марокашликлар олдинга ўтиб олишди. Бу гал ҳам ўйин охирлаётганида испан футболчиси Яго Аспас дарвозага орқа томони билан тургани ҳолда товони орқали чиройли зарба бериб, ҳисобни жанговар дурангга етказди — 2:2.

Шу тариқа гуруҳда ғолиб чиққан Испания термаси энди россиялик футболчилар билан нимчорак финалда беллашади. Португалия чекига эса жуда кучли Уругвай жамоаси тушди. Ушбу ўйинда Суарес — Роналду дуэли кўп нарсани ҳал қилади.

Бугун "C" ва "D" гуруҳларида учинчи тур баҳслари бўлиб ўтади. Таъкидлаш жоизки, чемпионат ҳамон сермаҳсул ўйинларга бой тарзда ўтмоқда ва бирорта ҳам тўп урилмаган 0:0 ҳисоби ҳозиргача қайд этилмади.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

# "101"

## ЁЗ ЁНҒИНСИЗ ЎТСИН

***Ёз иссиғида майда ўтлар қовжираб тургани, яна бировларнинг эътиборсизлиги билан ташлаб кетилган тез ёнувчи чиқинди "тилсиз ёв"ни келтириб чиқаради.***

Шунингдек, ёзги таътилда болаларни қаровсиз қолдириш ҳам хатарли эканини таъкидлаш лозим. Кўчада ўйнаётган болакайлардан бири гугурт олиб чиқиб, болаларча қизиқувчанлик сабабли бирор нимани ёқиб кўрмоқчи бўлса ҳам ёнғин келиб чиқиши мумкинлиги барчага бирдек маълум.

Шунинг учун ҳам ёзда фарзандларимизни назоратсиз қолдирмаслигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишимиз "тилсиз ёв"нинг олдини олишга ёрдам беради. Ёнғинларнинг олдини олиш учун эса биз озгина ҳафсала қилсак, ўғил-қизларимизга ҳам шуни ўргатсак, олов офатидан омон бўламиз.

**Ағзам ҲУСАНОВ,**
**Миробод тумани ЁХБ инспектори, сержант**

* * *

Ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлар биноларида содир бўлган ёнғинлар кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодиётга ҳам салбий таъсир этади.

Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун эса ҳар биримиз ёнғинга қарши, унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур. Корхона-ташкилотлар биноларида, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали биз жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз. Арзимасдек туюлган носозликлар ҳам ёнғинга сабаб бўлишини унутмаслик лозим. Тинч-осойишта ҳаёт кечириш учун қоидаларга амал қилайлик.

**Саидакмал САИДАКБАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сафдор**

* * *

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида "тилсиз ёв"нинг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқоти бўйича учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, аҳолини жалб қилишдан иборатдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, "тилсиз ёв" билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" деган шиор барча фуқаро, оилалар, корхона ва ташкилотга тааллуқлиги эканлигини унутмаслик лозим.

**Э.ТУРСИНБОЕВ,**
**Юнусобод тумани ЁХБ инспектори, сержант**

* * *

Таълим муассасаларида ёнғин хавфсизлигининг таъминланишини назорат қилиш ёнғин хавфсизлиги хизматининг кўп тармоқли вазифаларидан биридир.

Бу борада Миробод тумани ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари туманда жойлашган барча мактабгача таълим муассасалари ҳамда мактабларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг амалдаги ижросини таъминланиши юзасидан доимий назорат олиб борадилар.

Туманда жойлашган мактабгача таълим муассасалари ва мактабларда "Биринчи рақамли хавфсизлик" мавзусида доимий равишда учрашувлар ўтказилиб борилади. Унда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида бажарилиши лозим бўлган вазифалар, содир бўлаётган ёнғинлар мисолида ушбу қоидаларга сўзсиз риоя қилиш ва болалар хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги тушунтирилади.

Болажонларга хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, ўзбошимчалик билан гугурт, газ плиталари, электр асбобларидан ўйинчоқ сифатида фойдаланиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тушунтирилади. Ушбу ишлардан кўзланган асосий мақсад келажагимиз бўлган ёшларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ёнғин келиб чиқиш ҳолатларини бартараф этишдир.

**Бобур МУҲАМАДЖОНОВ,**
**Миробод тумани ЁХБ инспектори, лейтенант**

* * *

Ёнғинлар фуқаролар лоқайдлиги натижасида турли хилдаги кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келмоқда.

Жорий йилнинг 14 майида Сергели тумани, Спутник 15-даҳаси, 18-уйда ёнғин бўлаётганлиги ҳақида Ёнғин хавфсизлиги хизматига хабар келиб тушган. Воқеа жойига Сергели тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлимининг жанговар бўлинмалари юборилган. Ёнғин ўчирувчилар содир бўлган жойга етиб келишганида 18-уйнинг 6-хонадони ошхона деразасидан очиқ аланга чиқаётганини кўришган. Шундан сўнг ёнғин ўчирувчилар ёнғинни тезда бартараф этишган.

Мавзедаги 18-уй 1966 йилда қурилган бўлиб, қурилиши буткул ёғоч конструкцияларидан иборат, ёнғинга бардошлилиги V даражали ҳисобланади. Ушбу ёғоч конструкцияли уйларда ёниш хавфи юқори бўлиб, тезда бартараф этилмаса хонадонлар бутунлай ёниб кетиш хавфи мавжуд.

Олиб борилган суриштирув вақтида хонадон эгаси фуқаро Замира Ашимова ёниқ ҳолдаги сув иситиш газ қурилмасини (колонка) назоратсиз қолдириб, ўзи дам олишга кириб кетган. Натижада сув иситиш газ қурилмаси қизиб кетиб, ёнғин чиқишига олиб келган. Ёнғин оқибатида 18-уй, 6-хонадоннинг ошхона жиҳозлари, шифт қисми ҳамда ички ёғоч конструкциялари 6 квадрат метр майдонда зарар етказилган.

Биз содир бўладиган ёнғинларнинг олдини олишимиз учун ҳар биримиз доимо ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишимиз лозим.

**Нуриддин БУРХАНОВ,**
**Сергели тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, сержант**

# БИРДАМЛИККА ЧОРЛОВЧИ ЛОЙИҲА

***Курраи заминда истиқомат қилаётган ёш авлод ўртасида дўстлик, тинчлик, турли миллат ва маданият вакилларига ҳурмат каби юксак инсоний фазилатларни тарғиб қилиш мақсадида ФИФА ва Россиянинг "Газпром" компанияси ҳамкорликларида уюштирилган "Футбол дўстлик учун" ижтимоий лойиҳаси олтинчи мавсуми бошланганидан ҳамманинг хабари бор.***

Россия пойтахти Москва шаҳридаги "Спартак" клуби академияси майдонида мазкур лойиҳанинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу мегалойиҳада дунёнинг 211 та мамлакатидан 1500 нафарга яқин бола, миллий ассоциация делегатлари ва журналистлар иштирок этишди. Хусусан, Ўзбекистон шарафини фестивалда ёш дарвозабон Муслим Абдуманнопов ва журналист Мардон Маъруфов ҳимоя қилишди. Тадбир доирасида ташкил этилган форумда "Реал" клубининг собиқ дарвозабони Икер Касильяс сўзга чиқди. Форум давомида мусобақа ғолиблари, турли номинацияларда энг яхши деб топилган ёш футболчи ва журналистлар махсус тақдирланишди. Тадбирда ёшларга турли шоу-дастурлар намойиш этилди, қўшиқлар янгради.

**Насиба НАЖИМОВА**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

XALQ BANKI

**Акциядорлик тижорат Халқ банки жамоаси 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни билан соҳа ходимларини самимий муборакбод этади.**

***Юртдошларимизни холис ва ҳаққоний ахборот билан таъминлашдек масъулиятли, захматли ишларингизда Сизларни куч-ғайрат ҳеч қачон тарк этмасин!***

**Фурсатдан фойдаланиб Халқ банки ўз мижозлари учун қуйидаги хизматни таклиф этади.**




## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицей томонидан 2008 йилда Шарапова Нигина Ахтамовна номига берилган L № 045221 рақамли (63-рўйхат рақамли) диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Юнусобод тумани, 14-мавзе, 14-уй, 2-хонадон манзилида жойлашган Кабилова Дилфуза Таировнага тегишли 2014 йилда берилган 7-465 реестр рақамда давлат рўйхатидан ўтган "Дўкон ва офис"нинг кадастр ҳужжатлари ва гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Миробод тумани адлия бўлими бошлиғи Рамзбек Қурбановга отаси

**Маматкарим ҚУРБАНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

UZHYMET

*Тошкент шаҳрида **27 июнь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 17-19, кундузи — 34-36 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **27 июнда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-5029
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 635
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9418 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 16.30
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
12345